НАСИЯ САВДО ВА ПУЛ АЛМАШТИРИШ ҲАҚИДА

Маълум муддатга (насияга) ёки бўлиб-бўлиб тўлаш (кредит) баробарига тузиладиган байъ

Маълум муддатга ёки пулини бўлиб-бўлиб тўлаш муқобилига тузиладиган байъга шариат томонидан рухсат берилган. Бироқ бу турдаги байъ билан муомала юритадиган кишининг мақсади молдан (товардан) фойдаланиш ёки савдогарчилик қилиш бўлмоғи керак. Аммо унинг мақсади фақат пулга эришиш бўладиган бўлса, муомала макруҳ саналади. Масалан, бир молни маълум муддатга аста-секин тўлаш шарти билан бир кишидан сотиб олиб, сўнг уни бошқа кишига нақд пулга арзон баҳога сотиб юборади. Унинг бу олди-соттидан мақсади фақатгина пулга эришиш бўлиб, уни фуқаҳолар тилида “таваррук”[1] деб номланади.

Шайхул-ислом Ибн Таймия айтадилар: «Дарҳақиқат унинг (яъни таваррукнинг) макруҳлиги борасида ихтилоф қилинган. Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳумаллоҳ (ундан ривоят қилинган икки қавлнинг бирида) таваррукни кариҳ кўрган. Умар ибн Абдулазиз ҳам шу фикрда бўлиб «Таваррук рибонинг иниси (укаси), бошқа ривоятда эса рибонинг асли» деб айтган. Бу амалнинг макруҳлиги қувватлироқ».

Бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан тузиладиган байъ (байъут тақсит) туфайли ҳосил бўладиган ортиқча маблағ, тўлаш учун берилган муддат муқобилида (баробарида) бўлиб унинг ҳеч қандай зарари йўқ.

Мисрдаги «Дорул ифто» томонидан нашр этилган фатволар китобида қуйидагилар келтирилган: «...насия байъи, яъни молни белгиланган баҳога бир неча муддат ўтгандан сўнг тўлаш шарти билан тузиладиган байъ ҳам жоиз байълардан деб эътибор қилинган. Бинобарин шариат бўйича байъда пулни ўша заҳоти тўлаш ҳам мумкин ёки маълум муддатга кечиктирилса ҳам бўлаверади.»

---

[1] Таваррук истилоҳи-термини арабча “вариқ” кумуш сўзидан олинган. Бу муомалани қилган кишининг мақсади фақат пул-кумушга эришиш бўлгани учун уни “таваррук” “кумушга эришиш” деб номланган.

Саудиядаги фатволар идораси нақд байъни маълум муддатга узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш сабабли қўшиладиган зиёда пулнинг ҳукми ҳақида қуйидагича жавоб берган:

Агар маълум муддатга белгиланган байъ шариат нуқтаи назарида мумкин бўлган шартларни ўз ичига олган бўлса, шак-шубҳасиз бу байъ жоиз. Шунингдек пулни бўлиб-бўлиб тўлашнинг ҳам зиёни йўқ. Фақат тўланадиган пуллар ва уларнинг муддатлари аниқ маълум бўлмоғи лозим.

Аллоҳ таъоло айтади:

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُواْ إِذَا تَدَايَنتُم بِدَيْنٍ إِلَى أَجَلٍ مُّسَمًّى فَاكْتُبُوهُ)

«Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан *(маълум муддатга)* **қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар!».**[1]

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ أَسْلَفَ فِي شَيْءٍ فَفِي كَيْلٍ مَعْلُومٍ وَوَزْنٍ مَعْلُومٍ إِلَى أَجَلٍ مَعْلُومٍ (رواه البخاري)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Кимда-ким бирон нарса учун олдиндан ҳақ тўлаб қўйган бўлса, ўлчови, вазни ва муддати маълум нарсада ҳақ тўласин».[2]

Ҳадисда келган «Барира» қиссаси ҳам юқоридаги сўзимизга далил бўла олади. Қиссада Барира исмли чўри аёл ҳар йили бир уқийя (12 дирҳамга тенг) бериш муқобилига хўжайинидан ўзини тўққиз уқийяга сотиб олган. Бу ҳам бўлиб-бўлиб тўлаш байъи деб аталади. Уни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам инкор этмаганлар.[3] Ушбу муомалада пул молнинг нақд баҳосига тўғри келсин ёки қўшиб белгиланган муҳлат сабабли ундан кўра ортиқроқ бўлсин, унинг фарқи йўқ. Аллоҳ тавфиқ ато этгувчи зотдир.

Савол: Битта қўйни иккита ёки учта қўй эвазига, йигирма йил ёки ундан ҳам кўпроққа насияга сотса бўладими?

---

[1] «Баыара»: 282.
[2] Имом Бухорий ривояти.
[3] Бухорий ва Муслим ривояти.

Жавоб: Нақд турган ҳайвонни бир ёки бир нечта ҳайвонга хоҳ яқин, хоҳ узоқ муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш билан бўлса ҳам, насияга сотиш жоиз. Фақат бўлиб-бўлиб тўланганда тўловни аниқ белгилайдиган сифатлар билан таъйинлаш лозим. Тўланадиган ҳайвон хоҳ сотилган ҳайвоннинг жинсидан, хоҳ бошқасидан бўлсин, бунинг аҳамияти йўқ. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир туяни иккита садақа-закот туясига (яъни садақа туялари келганда бериш шарти билан) сотиб олганлар».[1]

Бўлиб-бўлиб тўлаш (кредит) байига тегишли муҳим нуқталар

Биринчи: Агар кредитга бирон нарса сотиб олсангиз, унинг пули зиммангизда қарз бўлиб қолади. Ана шундан кейин сотувчининг «Агар кредитни ўз вақтида тўламасангиз қарзга яна фоиз қўшилади» деб айтиши ножоиз.

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُواْ لاَ تَأْكُلُواْ الرِّبَا أَضْعَافًا مُّضَاعَفَةً وَاتَّقُواْ اللّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ۞ وَاتَّقُواْ النَّارَ الَّتِي أُعِدَّتْ لِلْكَافِرِينَ ۞ وَأَطِيعُواْ اللّهَ وَالرَّسُولَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ)

«Эй мўминлар, *(берган қарзларингизни)* **бир неча баробар қилиб олиш билан судхўрлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз!** *(Шунда)* **шояд нажот топгайсиз. Кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан қўрқингиз. Аллоҳ ва пайғамбарига итоат қилингиз. Шояд Аллоҳнинг раҳматига мушарраф бўлсангиз».**[2]

Агар сиз ночор ҳолга тушиб қолсангиз, қўлингизга қарзни ўтайдиган миқдорда пул тушгунига қадар, у кутиб туриши лозим. Шунингдек рухсат этилган кредит (насия) байи билан ундаги белгиланган муҳлат сабабли келадиган ортиқча маблағнинг ўртасини яхшилаб фарқламоғимиз лозим. Масалан: молнинг бугунги баҳоси ўн сўм бўлса, мен уни маълум муддатга (насияга) ўн икки сўмга сотиб оламан. Байънинг бу сурати жоиз ва унда ҳеч қанақа шубҳа йўқ. Аммо иккинчи суратда, яъни қарзни кредит ҳолида (бўлиб-бўлиб) тўлаб, ҳар бир бўлагига масалан саккиз фоиздан қўшиб бериш ва муддат узайгани сайин бу нисбатнинг ўсиб бориши ёки ўсмаслиги шак-шубҳасиз рибо насия ва рибо фазлга киради. Баъзи

[1] /оким ва Бай\аыий ривояти.
[2] «Оли-Имрон»: 130-132 оятлар.

кишилар ўзларига йўл ахтариб: «Бу фоиз муштарийни тезроқ қарзидан қутилиши учун ундов бўлади» деб ҳам қўйишади. Албатта бошқаларни бу ишга кафил қилиб қўйсангиз ҳам бўлади. Шунда қарзни ё муштарийнинг ўзи тўлайди, ёки у ночор бўлиб қолса, кафолатга олган тўлайди. Агар бойигунга қадар кутиб турсангиз, сизга яхши бўлади. Бироқ нима бўлганда ҳам рибо билан муомала қилмоғингиз ва ҳар-хил шубҳалар билан ўзингизга йўл топмоғингиз дуруст эмас.

Иккинчи: Айрим кишилар орага товар киритиш йўли билан ҳийла қилишга уринишади, уларнинг асл мақсадлари ўн сўм бериб ўн икки сўм олиш бўлади. Улар ўзича гўё молни насияга сотгандек бўлишади. Аммо бу қилган ишлари пулни пулга сотишдан ўзга нарса эмас.

Шайхул-ислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳга савол беришди: Бир киши бировдан минг дирҳам пулни бир йилга бир минг икки юз дирҳам қилиб қайтариб бериш шарти билан сўради-да унга минг дирҳамга от ёки газлама сотди ва ундан ҳалиги молни насияга бир минг икки юз дирҳамга сотиб олди. Мана шу иши жоизми?

Жавоб: Йўқ. Бу саҳобалар ва уламолар жумҳурининг иттифоқи билан ҳаром қилинган рибодир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари ҳам бунга очиқ далолат қилади. Бир киши ипак сотиб, сўнгра ўша ипакнинг ўзини бир дирҳам ошиғига насияга сотиб олган экан. Ана шу киши ҳақида Абдуллоҳ ибн Аббосдан сўрашди. У киши: «Дирҳамлар билан дирҳамлар (олди-сотди қилиниб) орасига ипак киритиб қўйилибди», деб жавоб берибдилар. Ушбу саволни Анас ибн Моликдан сўраганларида, у киши: «Бу Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган амаллардан», деб айтган эканлар. Оиша розияллоҳу анҳо Зайд ибн Арқам билан шунга ўхшаш савдо қилган аёлга: «Сотган ва сотиб олган нарсанг мунча ҳам ёмон экан. Зайдга айтиб қўй, агар у тавба қилмаса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга қилган жиҳодини (савобини) бой берибди», деган эканлар.

Демак, кишининг мақсади дирҳамларни дирҳамлар билан насияга айирбошлаш (олди-сотди қилиш) бўлса, ниятига яраша рибо бўлади.

Пулни сотиш ёки алмаштириш

Пулни ўз жинсидан бошқа жинсда бўлган пулга қўлма-қўл топшириш шарти билан сотиш мумкин. Шунинг учун бир Америка долларини ҳозирда 40 қирғиз сўмига ёки ундан озроғи ёки кўпроғига қўлдан-қўлга айнан топшириб сотиш мумкин. Чунки бу бир жинсни ўзидан бошқа бир жинсга сотиш деб эътибор қилинади. Ном жиҳатидан бир хил бўлиш асл ҳақиқатнинг турлича бўлгани учун ҳеч қандай таъсирга эга эмас. Алмаштириш ҳам сотишнинг бир тури.

Пул алмаштиришнинг дуруст бўлиши учун ўша ернинг ўзида пуллар қўлдан-қўлга ўтиши шарт. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган қуйидаги ҳадис бунга далил бўлади.

Молик ибн Авс раҳимаҳуллоҳ айтадилар:

عَنْ مَالِكِ بْنِ أَوْسِ بْنِ الْحَدَثَانِ أَنَّهُ قَالَ أَقْبَلْتُ أَقُولُ مَنْ يَصْطَرِفُ الدَّرَاهِمَ فَقَالَ طَلْحَةُ بْنُ عُبَيْدِ اللَّهِ وَهُوَ عِنْدَ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ أَرِنَا ذَهَبَكَ ثُمَّ ائْتِنَا إِذَا جَاءَ خَادِمُنَا نُعْطِكَ وَرِقَكَ فَقَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ كَلَّا وَاللَّهِ لَتُعْطِيَنَّهُ وَرِقَهُ أَوْ لَتَرُدَّنَّ إِلَيْهِ ذَهَبَهُ فَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ الْوَرِقُ بِالذَّهَبِ رِبًا إِلَّا هَاءَ وَهَاءَ وَالْبُرُّ بِالْبُرِّ رِبًا إِلَّا هَاءَ وَهَاءَ وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ رِبًا إِلَّا هَاءَ وَهَاءَ وَالتَّمْرُ بِالتَّمْرِ رِبًا إِلَّا هَاءَ وَهَاءَ (رواه مسلم)

Талҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг ҳузурларида экан. Мен келиб: «Ким (динор-олтинимни) дирҳамга (яъни кумушга) алиштириб беради?», деб сўраган эдим, Талҳа: «Олтинингни бизга бер, хизматчимиз келгач кумушингни берамиз», деди.

Шунда Умар розияллоҳу анҳу айтдилар: «Йўқ! Аллоҳга қасамки, ё унга кумушини берасан, ё эса олтинини қайтариб берасан. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: ***«Олтинни кумушга сотиш рибо бўлади, магар ҳа-ҳа (яъни, ҳа ол, ҳа бер, маъносида – қўлма-қўл) бўлсагина (рибо бўлмайди), буғдойни буғдойга сотиш рибодир, магар ҳа-ҳа бўлсагина (рибо бўлмайди), арпани арпага сотиш рибодир, магар ҳа-ҳа бўлсагина (рибо бўлмайди), хурмони хурмога сотиш рибодир, магар ҳа-ҳа бўлсагина (рибо бўлмайди),*** *деб марҳамат қилганлар.»*[1]

[1] Имом Муслим ривояти.

Демак, бировга сўм бериб долларни эртага ёки бирон соатдан кейин оламан, дейиш дуруст бўлмайди. Гарчи у омонатдор киши бўлса ҳам. Албатта ўша ерда ва ўша вақтнинг ўзида олди-берди қилмоқ даркор.

Ибн Қудома раҳимаҳуллоҳ айтадилар:

«Сарф (яъни пул айирбошлаш) пулларни ўзаро бир-бирига сотиш демакдир. Унинг тўғри бўлиши учун муомала жойида олди-берди қилиш уламолар ўртасида ихтилофсиз шарт қилинган».

Ибнул Мунзир раҳимаҳуллоҳ айтадилар:

«Аҳли илмлар орасида биз билган барча олимлар иттифоқ қилишганки: Пул алмаштирмоқчи бўлган кишилар олди-берди қилмасдан ажралиб кетишса, шак-шубҳасиз муомала фосид (бузилган) бўлади.»